

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МЯЧИНА ОЛЬГА ВЛАДИМИРОВНА

**ФОСФОР ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИДА БЎЗ ТУПРОҚДА
СТРУКТУРА ВА ФУНКЦИОНАЛ МИКРОБИОЛОГИК
БИРЛАШМАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Мячина Ольга Владимировна

Фосфор ўғитларнинг таъсирида бўз тупроқда структура ва функционал микробиологик бирлашмаларнинг хусусиятлари..... 3

Мячина Ольга Владимировна

Структурные и функциональные особенности микробных сообществ типичного серозема под воздействием фосфорных удобрений..... 31

Myachina Olga

Structural and functional features of microbial communities in the typical sierosem under the influence of phosphate fertilizers..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МЯЧИНА ОЛЬГА ВЛАДИМИРОВНА

**ФОСФОР ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИДА БЎЗ ТУПРОҚДА
СТРУКТУРА ВА ФУНКЦИОНАЛ МИКРОБИОЛОГИК
БИРЛАШМАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2DSc/B37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (microbio@academy.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Побережская Светлана Константиновна
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Захро Рахматовна
биология фанлари доктори, профессор
Гафурова Лазиза Акрамовна
биология фанлари доктори, профессор
Ниязалиев Бегали Ирисалиевич
қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Диссертация химояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» май соат 10-00 даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш. Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 76 уй, Микробиология институти конференция залида бўлади. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98; факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш. Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 76-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 3-қават, мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Рохила Назаровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.

Гулямова Ташхан Гафуровна

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, б.ф.н., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалиги тупроқ унумдорлигини ошириш, органик моддалар ва озика элементларини меъёрдаги балансда таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда¹. Тупроқ, биологик нуқтаи назардан, мураккаб модда алмашинувига эга, турли хил биологик ҳамда фаол кўп компонентли муҳит бўлиб, унинг унумдорлиги асосан тупроқдаги микробиологик жараёнларнинг интенсивлиги ва йўналганлиги билан аниқланади. Шунингдек, тупроқ микроб комплексларининг структуравий-функционал хоссалари тупроқда кечадиган метаболитик жараёнларнинг акси бўлиши аниқланган ва улар мазкур экосистемадаги деструктив ўзгаришлари ҳамда ривожланиши ҳақида муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу жиҳатдан, ғўза етиштиришда янги турдаги фосфор ўғитларининг таъсирини ҳамда ўғитни қўллашнинг агроэкологик хавфсизлиги ва агрокимёвий самарадорлик комплексини аниқлаш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда, ўғитларни тупроққа ортикча солиниши асосланмаган, бунинг оқибатида минерал озикланишнинг юқори кўрсаткичи пайдо бўлади, тупроқ ва ўғит озика элементлари алмашинувининг жадаллашувига сабаб бўлувчи микробиологик фаоллик кескин кучаяди, натижада - тупроқнинг органик қисмининг миқдор жиҳатидан камаяди, ҳамда сифат жиҳатдан ёмонлашади, ўғитнинг фойдали коэффицентини пасайишига олиб келади. Янги ўғитларнинг тупроқ ҳосил қилиш жараёнарига таъсирини аниқлаш, тез ва аниқ уларнинг унумдорликка таъсирини прогноз қилиш, ҳамда тупроқ унумдорлигининг экологик муҳим мезонини ўрганиш мониторингини ўтказиш (микробиологик-тупроқ ҳосил қилиш жараёнига йўналганлигини тасдиқловчи микроб комплексининг маҳсулдорлиги ва таркиби; биокимёвий-атроф-муҳитда ўғитларнинг таъсирини белгиловчи микробиомларнинг ферментатив ва распирацион фаоллиги; унумдорликнинг агрокимёвий кўрсаткичлари– гумус ва асосий озука элементларининг миқдори) муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун, жумладан, тупроқ унумдорлигининг агрокимёвий хоссаларини яхшилаш ҳамда биологик фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, қайта тикланадиган биологик ресурсларнинг муҳим қисми сифатида тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлаш борасида юқори даражадаги кенг кўламли иқтисодий самарадор ҳамда экологик хавфсиз агротехнологиялар бўйича назарий ва амалий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «... қишлоқ хўжалигида интенсив усулларни, айниқса, замонавий сув ва ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Мазкур

¹ Paul A. Eldor. (Edit.) Soil microbiology, ecology and biochemistry. 3-d edition. Elsevier. Colorado State Univer. Co. USA. -2007. -532 P.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»ги Фармони.

вазифаларни амалга оширишда, жумладан, юқори карбонатли Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида самарали ва экологик соф органик, органик-минерал ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236 сон “2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш ҳақида дастур” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29-декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 22 (574)-сон «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Турли хил агроценоздаги тупроқ микробиологияси, биокимёси ва агрокимёвий хоссаларига фосфор ва фосфорли ўғитларнинг таъсир қилишига йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Texas Agriculture and Mechanical University; University of Arizona (АҚШ); Lancaster University, Institute of Biological and Environmental Sciences, Aberdeen (Буюкбритания); Tokyo University of Agriculture and Technology; Nagoya University (Япония), Department of Agroecosystem Research, University of Bayreuth; Department of Soil Science of Temperate Ecosystems, University of Gottingen (Германия); China Agricultural University, Beijing; Sichuan Academy of Agricultural Sciences (Хитой) тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тупроқ ресурсларини экологик ҳолатини оптималлаштириш ва назорат қилиш усуллари бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: пахта агроценозида иқтисодий самарадорликни ошириш, ҳамда микроорганизм-тупроқ-ўсимликлар тизимини бошқариш услубларини ишлаб чиқилган (Texas Agriculture and Mechanical University), табиий ва инсон омили таъсирига учраган биосфера нуқтаи назаридан органик углероднинг асосий ва узоқ муддатли резервуари сифатида ўрганиш, углеродни йўқотилиш ёки тўпланиш жараёни минерал субстратни тупроқ микроорганизмлари томонидан ўзлаштириш самарадорлигини боғлиқлиги

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.tamu.edu>; <https://www.arizona.edu>; <https://www.lancaster.ac.uk>; <http://www.abdn.ac.uk>; <http://www.tuat.ac.jp>; <http://www.en.nagoya-u.ac.jp>; <https://www.uni-bayreuth.de>; <http://www.uni-goettingen.de>; <http://www.cau.edu.cn>; <http://www.cucas.edu.cn>

асосланган (University of Bayreuth), тупроқларнинг агроэкологик мақоми, азот фосфор ва углерод динамикасини ўзаро боғлиқлигини ҳамда тупроқнинг биологик фаоллигини ўзгаришини агротехнология ва тупроқ унумдорлиги даражасини аниқланган (Tokyo University of Agriculture and Technology), карбонатли тупроқларни микроб комплексларига минерал, органик (жумладан, секин таъсир этувчи) ўғитларнинг таъсири, ўсимликларга фосфорни қўллаш самарадорлиги ўрганилган, тупроқ-ўсимлик тизимида фосфорли ўғитларни ўзлаштириш даражаси аниқланган (China Agricultural University, Beijing).

Дунё амалиётида тупроқнинг унумдорлигини оширишни хавфсиз ва самарали усуллари ва замонавий агротехнологиялар бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини ошириш учун биологизация элементлари билан ишлаб чиқиш, микробиоценозни оптималлаштириш, уларнинг биохилма-хиллик ва барқарорлигини ошириш, тупроқнинг агрокимёвий сифатини, парник самарадорлиги пасайиши ва углерод секвестрацияси, ўғитлар билан бериладиган макроэлементларни фойдаланиш коэффицентини асослаш.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Адабиётларда органик, органик минерал ва минерал ўғитларни тадқиқ қилиш, уларнинг ҳар хил турдаги тупроқ биологияси ва агрокимёвий хоссаларига таъсири ҳақида тадқиқот натижалари кенг ёритилган. Таъкидлаш жоизки, турли хилдаги ўғитлар ҳамда уларнинг турли туман турдаги тупроқдаги ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларига қўллаш кўпгина изланишларга сабаб бўлди (Stone et al., 2016; Powers et al., 2016; Ivanenko et al., 2007; Veprikova et al., 2015; Bergström et al., 2015; Lemunyon, 2006; Liu et al., 2012; Tigre et al., 2014), чунончи, уларнинг натижалари бир хил эмасдир.

Бундан ташқари, бир қатор муаллифлар фосфорли ўғит турига, етиштириладиган экин ва бошқаларга боғлиқ ҳолда тупроқнинг юқори биологик фаоллигини, шунингдек, макроэлементларнинг шиддатли айланма ҳаракати ижобий кўрсаткич (Steinauer, 2015; Козунь ва бошқалар, 2015; Полонская, 2000, Завалин ва бошқалар, 2012) ёки, аксинча, тупроқ унумдорлигининг деградациясига олиб келувчи салбий оқибатларга баҳо берадилар (Drake et al., 2013; Мамасалиева, 2010; Stone, 2012; Fultz, 2013; Sihi et al., 2016; Klimek, 2016).

Шуни таъкидлаш лозимки, ўғитлар таъсирини баҳоловчи услублар глобал иқлим ўзгариши нуқтаи назаридан, ҳам агробиоценотик, экосистемали, популяцион ёндашувлар ҳамда энергия ва ресурстежамкорлик нуқтаи назаридан хилма-хилдир, бироқ Марказий Қизилқум фосфоритларини турли хил усуллар билан фаоллаштириб олинган ўғитларнинг таъсири, агробиологик ва агрокимёвий хусусиятлари ўрганилмаган. Шунга кўра, Ўзбекистонда тупроқ микроблар туркумларининг структуравий ва функционал хоссаларига янги турдаги фосфорли ўғитларнинг таъсирини ҳамда ғўзани парваришлаш мобайнида ўғитни қўллашнинг агроэкологик хавфсизлиги ва агрокимёвий самарадорлигини комплексини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ГНТП П-3.3 «Ўзбекистон маҳаллий хом-ашё ресурслари асосида янги турдаги бирламчи комплекс ва органик минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, уларни агрокимёвий ва экологик-токсикологик баҳолаш»; АҚШ қишлоқ хўжалик Департаменти ҳамкорлигидаги лойиҳа UB-ARS (09) А-2002 «Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги бактериал ўғитлар, уларнинг тупроқ шаклланиш жараёнига ва ғўзанинг ривожланишига таъсири») (2002-2004 йй; ГНТП П-9.10 «Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида янги турдаги фосфаттутувчи ўғитлар олишнинг самарали ресурстежамкор технологиялари ишланмаси» (2003-2005 йй.); ГНТП ФА-А12-Т164 «Агро-табiiй биоценоз шароитларида органик ўғит пулларининг (захираси) ёпишиш ва тақсимланиш қонуниятлари» (2012-2014 йй.), шунингдек, DAAD нинг Немец академик алмашинув хизмати лойиҳа гранти бўйича «Effect of new phosphorus fertilizers on soil organic matter decomposition rate, dynamics of CO₂ emission and microbial biomass in the carbonate typical sierozem soil of Uzbekistan» (2008) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тупроқ микроблар туркумланинги структуравий ва функционал хоссаларига янги турдаги фосфорли ўғитларнинг таъсирини ҳамда ғўзани парваришлаш мобайнида ўғитни қўллашнинг агроэкологик хавфсизлиги ва агрокимёвий самарадорлигини комплекс аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

янги турдаги фосфорли ўғитларнинг микроорганизмлар сонига ва микроб комплекслар таркибига таъсирини аниқлаш (туркумдаги асосий экологик-трофик гуруҳли микроорганизмлар улуши ва нисбатига);

янги турдаги фосфорли ўғитларнинг тўпланадиган микроблар биомассасига ва нафас олиш интенсивлигига таъсирини баҳолаш;

янги турдаги фосфорли ўғитларнинг тупроқдаги С, N ва P ларнинг биокимёвий трансформацияда қатнашадиган тупроқ ферментатив фаоллигига таъсирини таҳлил этиш;

янги турдаги фосфорли ўғитларнинг ғўза остидаги типик бўз тупроқ агрокимёвий хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш;

секин таъсир этувчан ўғитларни микроблар комплекси ва агрокимёвий хусусиятларга таъсир механизмини, шунингдек, уларнинг ўзаро муносабати ва боғлиқликларини аниқлаш ва таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти тупроқда яшовчи асосий экологик-трофики микроорганизмлар гуруҳи, типик бўз тупроқ, «Ақдарё-6» ва «Баяут-2» навли ғўза, янги секин таъсир этувчи бактериал, органик минерал ва комплексли фосфорли минерал ўғитлар.

Тадқиқотнинг предмети тупроқ микробиомларининг структуравий ўзгариши ва уларнинг фосфорли ўғитлар таъсирига метаболитик жавоби,

шунингдек, тупроқнинг агрокимёвий хусусиятларининг ўзгариши ҳамда биоценоз компонентларининг муносабати ва ўзаро боғлиқлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Микробиологик, биокимёвий, агрокимёвий, физик-кимёвий, биометрик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги фосфорли бактериал, органик минерал ва минерал ўғитларнинг анъанавий концентрланган аммофос ўғити билан солиштиригандаги таъсири остида типик бўз тупроқдаги микроблар турларининг ўзгариши ва ферментатив фаоллиги аниқланган;

хар хил даражада бириккан тупроқ органик углеродининг микдорига, шунингдек, микроблар турлар фаоллигининг метаболитик коэффициентлари баҳоланган;

янги секин таъсирида Р-, N- ва С тутган бирикмаларни ўзгартиришида иштирок этувчи ферментлар фаолияти салбий таъсир кўрсатмаганлиги аниқланган;

янги секин таъсир этадиган фосфорли ўғитларнинг тупроқни агрокимёвий хусусиятларига таъсир механизми концентрланган аммофос ўғити билан солиштириб исботланган;

агроценоз компонентлари (микроорганизмлар-тупроқ-ўсимлик) ўзаро боғлиқлиги ва эҳтимолли (назарий) боғланиш, шунингдек тупроқ хоссаларини қўлланилаётган ўғит таркиби ва турига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дастлабки хом-ашё Марказий Қизилқум фосфоритларини турли хил усуллар билан фаоллаштириб олинган фосфорли бактериал, органик минерал ва минерал ўғитларни қўллашнинг агрокимёвий самарадорлиги ва агроэкологик хавфсизлиги илмий асосланган;

“ўғит-микроорганизмлар-ўсимлик” тизимида ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлиги ҳамда секин таъсир этувчи агроруда таркибли ўғитларни қўллашда ўсимликлар озикаси спецификасига таъсири аниқланган;

секин таъсир этадиган фосфорли ўғитлар тупроқнинг агрокимёвий самарадорлиги ва агроэкологик хавфсизлиги, тупроқ унумдорлигининг асосий кўрсаткичлари аниқланиб ва уларни бошқариш усуллари оптималлаштирилган;

«Фарғонаазот» АЖда азот фосфор тутувчи минерал ўғит АФМЎ олиш технологиясининг sanoat кўламида стабиллаштирилган аммиакли селитра ишлаб чиқариш жорий этилган.

ОМУ-10 ва ОМУ-20 органик минерал ўғитлари Сирдарё вилояти фермер хўжаликларида (300 га майдонда) жорий этилган ва пахта ҳосилдорлиги 3-4 ц/га ошган;

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги қўйилган вазифаларни комплекс ёндашув билан ечишга; дастлабки ҳолатларни назарий асослаш, уларнинг замонавий микробиология ва экология фанларининг ривожланиш тенденцияларига мослигига; тажриба-синов ишларини тўғри ташкил қилишга; тадқиқотларнинг асосий натижаларини қайта такрорланишининг барқарорлигига; тадқиқотларни ўтказишда аниқ

услуглардан фойдаланганлигига ва олинган натижаларни статик ишлов бериш билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти агроценознинг антропоген ўзгаришида тупроқ микроблар туркумларини фаолиятининг хусусиятлари ҳақида билим нуқтаи назаридан тўлдиради ҳамда шакллантиради; унумдорликни белгилаш ва бошқариш мақсадида агроценоз компонентлари (микробиом-тупроқ-ўсимликлар)ни ўзаро таъсирини ўрганишда концептуал асос бўлиши мумкин. Ишнинг алоҳида натижаларини «Тупроқ микробиологияси» фани мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти энг хавфсиз ва самарали ўғитларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун таклиф этилган ўғитларни тупроқ микроблар комплекслари ва уларни метаболик жавоблари ҳолатини ўрганиш асосида белгиланади. Янги секин таъсир этадиган фосфорли ўғитларни қўллаш иқтисодий самадорликдан ташқари экологик (нокондицион фосфор тутувчи чиқиндилардан бўшатиш, фосфорни ретроградациясини камайтириш ҳисобига тупроқнинг унумдорлигини ошириш), ижтимоий (фермерлар учун арзон фосфорли ўғитлар олиш имкониятини кенг бўлиши, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини юқори сифат билан ошиши ҳисобига, қишлоқ аҳолисини турмуш тарзини яхшиланиши) ва ресурстежамкор (паст навли хом ашёни ишлаб чиқаришга жалб этиш) самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида олинган янги секин таъсир этувчан ўғитларни тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

аммиакли селитра эритмасини юқори карбонатли фосфорит уни билан аралаштирилиб донадорланган ва доначалар сирти аммоний сульфат эритмаси иштирокида фосфорит уни билан қоплаб стабиллаштирилган аммиакли селитра ишлаб чиқариш усули «Фарғонаазот» АЖнинг амалиётга жорий этилган. («Фарғонаазот» АЖда 2017 йил 9 ноябрдаги 37/6202-сон маълумотномаси). Натижада 254,661 минг тонна азот-фосфорли минерал ўғитлари (АФМЎ) ишлаб чиқариш имконини берган;

тайёр амиакли селитра доначалари сирти аммоний сульфат эритмаси иштирокида юқори карбонатли фосфорит уни билан қоплаш (иккинчи вариант) усулида стабиллаштирилган аммиакли селитра ишлаб чиқариш «Фарғонаазот» АЖда амалиётга жорий этилган («Фарғонаазот» АЖнинг 2017 йил 9 ноябрдаги 37/6202-сон маълумотномаси). Натижада қуввати 60 000 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат қурилмаси ташкил қилиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берган;

экологик хавфсиз орғано-минерал ўғитлар-10 (ОМЎ-10) ва орғано-минерал ўғитлар-20 (ОМЎ-20) Сирдарё вилоятининг фермер хўжаликлари пахта майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/20-116-сон маълумотномаси). Натижада ғўзанинг ўсиб ривожланишига ва ҳосил элементларини тўплашига ижобий таъсир кўрсатиб, гектарига қўшимча 3-4 ц/га

ҳосил олиш имконини берган;

Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида органик ва органо-минерал ўғитларни қўллаш технологияси Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани фермер хўжалиklarининг пахта майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 02/20-116-сон маълумотномаси). Натижада тупроқ унумдорлиги сақланиб, уларнинг сув сақлаш қобилияти яхшиланган, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хусусиятлари ижобий томонга ўзгарган, ўсимликларнинг ўсув даврида озика унсурлари билан мақбул таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг материаллари 20 та халқаро ва 21 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 96 та илмий иш чоп этилган, шулардан 28 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 18 таси республика нашрларида, 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таркибида фосфорли ўғитларни тупроқда макроэлементларни трансформациясига микробиологик жараёнларни таъсири”** деб номланган биринчи бобида ҳар хил фосфорли (органик, органик минерал ва минерал) ўғитларнинг макроэлементлар трансформациясини микробиологик жараёнларига, микроб комплексларининг функцияси ва таркибига, уларнинг нафас олиш ҳамда ферментатив фаоллигига, шунингдек, тупроқнинг агрокимёвий хоссаси ва экинларнинг ҳосилдорлигига таъсири бўйича замонавий изланишларнинг шарҳи келтирилган. Чоп этилган кўплаб мақолалардаги натижаларнинг критик таҳлили мазкур ишнинг асосий мақсади ва вазифаларини шаклланишига имкон берди.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** объект, шунингдек материал ва тадқиқот услублари кенг тавсифланган.

Тадқиқот услублари. Объектларни комплекс ўрганиш учун лаборатория тажрибаларида физиологик-биокимёвий, маданий-морфологик, спектрофото- ва флюорометрик, потенциометрик таҳлил услублари; дала шароитларида тажрибаларни ўтказишда микробиологик, биокимёвий, биометрик ва агрокимёвий тадқиқот услубларидан фойдаланилган.

Марказий Қизилқум фосфоритларини (Ташкура кони) кислотасиз фаоллаштириш усули ёрдамида олинган янги фосфорли ўғитлар тадқиқот объектлари ҳисобланди. Ўғитлар таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Фосфорли ўғитлар таркиби

Ўғитларнинг номланиши	N, %	P ₂ O ₅ умум., %	P ₂ O ₅ ўзл., %	Органик моддалар, %
Тадқиқ этилаётган ўғитлар				
ФБЎ-суюқ	0,36	0,83	0,4	6,9
ФБЎ-куруқ	3,30	8,0	4,0	60,0
ОМЎ-10	0,54	1,90	0,95	80,0
ОМЎ-20	0,51	2,40	0,94	74,4
АФМЎ - НА	12-14	10-12	8-10	-
АФМЎ - СА	10-12	10-12	8-10	-
Таққослаш учун вариантлар				
Аммофос	10,0	46,0	8-10	-
Гўнг	0,66	0,45	0,2	77,5
<i>Bradyrhizobium</i> бактерияси культурал суюқлиги	0,36	0,36	0,3	6,0

Фосфорли бактериал ўғитлар (ФБЎ) фосфоритларига *Bradyrhizobium* туркумли микроорганизмлар ёрдамида микробиологик йўл билан ишлов бериб олинган.


Органик минерал ўғитлар (ОМЎ) фосфоритларни қорамол гўнги (ҚГ) билан ҚГ: фосфорит 80:20 ва 90:10 нисбатларида компостлаш орқали олинган.

Азот- ва фосфорли минерал ўғитлар (АФМЎ) фосфоритларни илғор интенсив технология бўйича аммоний нитрати ва сульфати билан фаоллаштириб олинган.

Диссертациянинг “**Фосфорли бактериал ўғитлар таъсирида типик бўз тупроқнинг биологик фаоллиги**” деб номланган учинчи бобида секин таъсир этадиган фосфорли бактериал ўғитлар (ФБЎ) микроблар туркумларининг тузилиши ва биологик фаоллигига, шунингдек, агрокимёвий самарадорлигига таъсири бўйича тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Ўғитлар тупроқдаги микробиологик, биокимёвий ва агрокимёвий жараёнларини ўзгаришида муҳим экологик аҳамиятга эга.

Чунончи, турли хил тупроқ ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари учун тез эрувчан концентранган минерал (аммофос ёки аммоний селитраси) ўғитларни қўллаш микроорганизмлар сонини, сезиларли йўқотишлари эҳтимоллиги мавжуд киритилган бирикмалар трансформациясининг фаолланишини, шунингдек, тупроқда бириктириб қолган макроэлементларнинг алмашинув жараёнига жалб этишини таъминлайди (priming-эффekt).

ФБЎнинг иккита – суюқ ва қуруқ (0,83 и 8,0% P_2O_5) препаратив шаклларининг таъсирини концентранган ўғит – аммофос (46% P_2O_5) билан солиштириб ўрганилди. ФБЎнинг типик бўз тупроқдаги макроэлементлар (углерод, азот, фосфор) трансформацияси жараёни йўналишига таъсири ҳақида турли хил экологик-трофик гуруҳлар (фосфатминераллаштиргичлар, олиготрофлар, аммонификаторлар, амилитик микроорганизмлар (минерал азотдан фойдаланувчилар), актиномицетлар, бациллар, олигонитрофиллар, нитрификаторлар ва денитрификаторлар, шунингдек эркин яшовчи азотфиксаторлар (*Azotobacter* ва *Clostridium*) сони ва нисбатларига қараб ўрганилган. Микроорганизмлар сони динамикасини ўрганиш пайтида аниқланган қонуниятлар ўғитларнинг турига қараб фарқланиши мумкинлигини кўрсатди (1-расм):



1-расм. Фосфатминераллаштирувчи (ФМ), аммонификаторлар (А), амилитик (АМ), олигонитрофил (ОН), денитрификаторлар (ДН), *Clostridium* (С) туркумли бактериялар, олиготрофлар (О) ва актиномицетлар (Акт) сонининг динамикаси.

Эслатма: бу ерда ва кейинчалик – етилиш фазаси сифатида: 1 - екишгача; 2. 2-4 барглар фазаси; 3- гуллаш фазаси ; 4- етилиш фазаси.

тезэрувчан минерал шакли – аммофос ўғитини гуллаш фазасида қўллаш фосфатминераллаштирувчи (25,4-51 млн КХБ гача), аммонифицирловчи (21 млн КХБ гача), олигонитрофилли (70-77 млн КХБ гача), амилитиклар (36,1 млн КХБ гача) ва денитрификаторлар (25 млн КХБ гача), *Clostridium* оиласига мансуб бактериялар (70 минг КХБ гача) сонини кескин оширди, тупроқда фосфорли ҳамда ва азотли бирикмаларнинг трансформацияси жадаллашганлигидан ҳамда уларнинг йўқотишлиш эҳтимоллиги борлигидан ҳам дарак беради. Аксинча, суюқ ва қуруқ ФБЎларни қўллаш, кўрсатилган микроорганизмлар сонининг кескин ошишига олиб келмади, вегетация даврида уларнинг сони етилиш даврига келиб секин камайиши кузатилиши ФБЎнинг


секин таъсир этувчанлигини тасдиқлайди: фосфат-минераллаштирувчилар сони 6,1-20,3 млн КХБ*г⁻¹ оралиғида бўлиб, *Clostridium* оиласига мансуб бактериялар - *г⁻¹ (яъни уларнинг сони аммофосни қўллаганга нисбатан 1,3-5,7 марта кам); аммонификаторлар эса 1,2-4,7 млн КХБ*г⁻¹ оралиғида (аммофосни қўллаганга нисбатан 2-21,0 марта кам); амилolitik микроорганизмлар кенг 2 - 23 млн КХБ оралиғида (куруқ ФБЎдан ташқари) (тўла вегетация даврида аммофосни қўллашга нисбатан 3- 15% га кам); денитрифицирловчи бактериялар сони 0,025-7,0 млн КХБ оралиғида (аммофосни қўллаганга нисбатан 2,5-125 марта кам; олигонитрофиллар 2,3-72 млн КХБ кенг оралиғида (яъни аммофосни қўллаганга нисбатан 1,5-5,7 марта кам) бўлади; нитрификаторлар 0,5-70 минг КХБ оралиғида (суюқ ФБЎдан ташқари)(яъни, аммофосни қўллаганга нисбатан 2,4-100 марта кам). Таъкидлаш жоизки, актиномицетлар ва олиготроф микроорганизмлар сони бошқа динамикага эгадирлар. Аммофос таъсири остида олиготрофлар сони 2-4 барги фазасидан етилиш даври фазасига (10,3 дан 53,3 млн КХБ гача) (расм 1, О) бир томонлама ортиши кузатилди. Аксинча, куруқ ва суюқ ФБЎ секин таъсир этувчан хоссаларни намоён қилиб, углеродтутувчи бирикмаларнинг бир меъёрда кириб келиши ва уларни етилиш фазасида камайиши ҳисобига гуллаш фазасида олиготрофлар сонининг камайиши (мос равишда 11,0 ва 4,3 млн КХБ гача) олиб келади.

Куруқ ва суюқ ФБЎларни қўллаш вариантида олиготроф микроорганизмлар сонининг динамикаси бир хил йўналишли ҳар хил амплитудага эга бўлиб, ФБЎнинг препаратив (куруқ ёки суюқ) шаклига ва унинг таркибига боғлиқ. Актиномицетлар сони органик бирикмалар трансформациясининг жадаллигини муҳим индикатори бўлиб, қийинчилик билан берилувчи субстратлардан фойдаланишнинг кечки босқичларида доминант сифатида рол ўйнайди, масалан, гумус моддалар. Актиномицетлар сони тўлалигича (0,1-4,7 млн КХБ) (1-расм) дан ошмаслиги ва макроэлементлар танқислиги туфайли ҳамда актиномицетларнинг мураккаб органик моддаларни парчалаши ҳисобига унинг максимал қиймат кўрсаткичи куруқ ФБЎ вариантида ўсимлик етилиш даврига тўғри келиши аниқланди.

Автотроф нитрификаторлар сони бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари вегетация даврида юқори бўлмасдан 0,3-53,3 минг КХБ/1 г тупроққа тўғри келишини, деярли барча гуллаш фазаларда (баъзи истисноларсиз) кўп миқдорда нитратли микроорганизмларни ва кам миқдорда нитрозали микроорганизмларни мавжудлигини кўрсатди.

Атроф-муҳитнинг ўзгариш факторларига микроорганизмларнинг реакцияси популяция ва экосистема даражасида намоён бўлади. Экосистемада улар туркум миқдор ва сифат таркиби ўзгариши орқали ифодаланадилар. Шароитнинг ўзгаришига қараб бир турдагилар сони қисқариб (ёки йўқолиб), бошқалари пайдо бўлади, яъни доминантлар ва субдоминантлар таркиби ўзгаради. Ю. Одум (1980) нинг экологик доминантлаш концепциясига мувофиқ барча уюшмалар ҳам экосистемада бир хил муҳим рол ўйнамайдилар, фақат айни пайтда доминантлик қилувчиларгина қатнаша оладилар. Шу сабабли ФБЎ

таъсири остида микробиомлар структурасидан фарқ қилувчиларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади (2-расм).




2-расм. ФБЎ таъсирида микроблар туркумларининг таркиби

Буларнинг ичида аниқ кўринадигани 2-4 баргли ва гуллаш фазаларидир: ўғитлар таъсири остида (аммофос каби ФБЎ) олиготрофлар сони ва улуши сезиларли камайди (7,9 ва 9,8-26,9% гача), айти пайтда олигонитрофиллар, фосфатмобилизаторлар ва амилитик микроорганизмлар эса тутган позицияда кучайишди. Гуллаш фазасида аммофос ўғити қўлланган вариантда микроорганизмлар умумий сони (ФБЎни қўллангандаги кўрсаткичга нисбатан 4,1 марта) аниқланган гуруҳ микроорганизмлари сони кўпайиб кетиши ҳисобига кескин равишда ортиб кетди. Аксинча, ФБЎ вариантыда микроорганизмлар сони камайиши амилитиклар (33,3-22,0% гача) ҳамда фосфатминерализаторлар (18,1-17,9%) сони ва улушининг олиготрофлар фоиз миқдори билан бирга сезиларли камайиши кузатилди. Ғўзани етилиш фазасида аммофос ўғитини қўллаган вариантда ва микроорганизмлар сони кўп бўлмаган ҳолатда ягона доминант сифатида яна олиготрофлар (72,1%) бўлиб, бу эса илгари қўлланган ўғитлар билан кирган ўзлашувчан озуқа компонентларининг камайганлигидан дарак беради. Таъкидлаш жоизки, ФБЎ-суюқ ва ФБЎ-қуруқ ҳам уюшмаларнинг қайта тузилишига ёрдам беради ва олиготрофларнинг доминантлигига қарамай (63,8 ва 42,0%), микроб туркумлари таркибида кенг даражада фосфатмобилизаторлар (16,2 ва 14,2%), минерал азотни ассимиляцияловчи микроорганизмлар (5,3 ва 22,3%), бир неча баробар кам аммонификаторлар (6,6 ва 3,8%), олигонитрофиллар (6,1 ва 11,4%), шунингдек актиномицетлар (2,2 ва 6,3%) намоён бўлган.

ФБЎнинг куйидаги кўрсаткичлар (3 ва 4 расм) 1) S_{MB} – микроб биомассасида маҳкамланиб қолган углерод; 2) $S_{MB}:S_{орг}$ - % тупроқдаги бир бирлик органик углеродга нисбатан микроб биомассидаги углерод миқдори; 3) БД – фонли нафас олиш; 4) СИД- субстрат-индуцирланган нафас олиш; 5) qCO_2 - БД/ S_{MB} - микроорганизмлар нафас олиши тезлигининг уларнинг биомассага нисбатини белгиловчи метаболик коэффицент; 6) qR - БД/СИД

- фонли нафас олишнинг субстрат-индуцирланган нафас олишга нисбатини кўрсатувчи микроорганизмлар нафас олиш фаолиятини коэффицентини баҳоловчи микроб туркумларининг маҳсулига ва метаболитик фаоллигига таъсир қилувчи тадқиқот натижалари келтирилган. Респирацион фаолликдаги микроб биомассасининг тўпланиш даражасига қараб микроб комплексларнинг метаболизм интенсивлиги баҳоланди. ФБЎ микроб биомассасида маҳкамланиб




3-расм. ФБЎ таъсири остидаги $C_{орг}$ захиралари ва уларнинг нисбатлари

колган углерод миқдори ортиши ишонарли бўлганлиги сабаб микроорганизмлар сони меъёр даражасида камайишини таъминлайди.

ФБЎнинг қуруқ шакли микроб биомассасидаги C 384 мг C/g тупроқ миқдоригача маҳкамланишини кучайтириб, бу $C_{орг}$ га нисбатан 6,52% (бу дастлабки тупроқ ва аммофос қўлланган тупроққа нисбатан 8,5 ва 11,0 марта катта деганидир) ни ташкил этади. ФБЎ-суяқ таъсирида углероднинг $C_{МБ}$ шаклда маҳкамланиш жараёни секинроқ бўлиб, бироқ $C_{МБ}$

нинг ўсиши 55,5 мг C/g тупроқ ни ташкил этади, бу $C_{орг}$ га нисбатан 0,94% га (бу дастлабки тупроқ ва аммофос қўлланган тупроққа нисбатан 22,1 ва 58,1% га кўп деганидир) тенг эканлигини билдиради. Бундан ташқари, органик углероднинг сувдаэрувчан захираси – C нинг осон минераллашувчан ва ўзгарувчан қисми аниқланди. Сувда эрувчан ўзгарувчан захирали углерод доимо айланиб туради ва фойдаланиб турилади ёки қисқа вақт ичида – бир неча соатдан 5 кунгача минераллашиб боади. Органик углерод $C_{сэ}$ нинг сувда эрувчан захираси ФБЎ-қуруқ таъсирида 1,01% гача; ФБЎ-суяқ да эса 1,3% гача ортди, яъни ўсиш мос равишда дастлабки тупроққа нисбатан 10 ва 42% га, аммофос қўллаган тупроқда эса 31 ва 68% ни ташкил этди.



4-расм. ФБЎ таъсиридаги микробиомнинг метаболик фаоллик кўрсаткичи

СИН усули тупроқ микроорганизмларининг солиштирма нафас ($qCO_2 = БД/C_{МБ}$)- олишини улар томонидан ўзлашувчан углерод субстрати самарадорлик кўрсаткичини аниқлашга имкон беради. Шундай қилиб, ФБЎ-суяқ ва ФБЎ-қуруқ таъсири остида метаболитик qR коэффицентини 0,12 дан 0,14 гача, нафас олиш коэффицентини эса 0,041 дан 0,021 гача тушиши мувозанатни ушлаб туриш учун энергия ҳаражатларни камайиши ҳақида гувоҳлик беради (4-расм). Аксинча, qCO_2 нинг аммофос қўллаган тупроқда

ортиши (0,053 гача) микроб туркумсида энергия алмашинуви жараёнини сарфининг жадаллашуви билан боғлиқдир, ҳамда углерод етишмовчилиги, аммофос ўғити таъсири остидаги микроб туркумларининг структуравий ўзгаришларини ва улар орасидаги ички алоқаларни баҳолаш микробиомнинг функционал ўзгаришининг субстратдан фойдаланишнинг камроқ самарадорлиги томон йўналганлигига имкон беради. Айти пайтда эса таркиб бўйича балансланган микроб комплекси ФБЎ таъсири остида энергия жиҳатидан мақсадга мувофиқ ва камҳаражатли алоқа ҳисобланади. Бундан ташқари, $C_{\text{микр}}/C_{\text{орг}}$ нисбати органик углерод ўзгарувчан қисми ўсишини аниқ кўрсатади, яъни бактериялар ўғитлар қўлланилиши туфайли тупроқда гумус миқдори ортиши кузатилди.

Биоценознинг функционал ва метаболик турғунлиги (ёки аксинча ўзгарувчанлиги) ҳар хил синфли ферментларнинг биоценоз фаоллиги бўйича баҳоланди. Р (фосфатаза), N (уреаза) ва С (карбогидраза - целлюлаза, хитиназа, ксиланаза ва глюкозидазалар); шунингдек оксидоредуктаза (дегидрогеназа, полифенолоксидаза ва пероксидазалар) ларнинг алмашинувида қатнашувчи гидролазалар фаоллик даражаси тупроқ захираси барқарорлигига ва ФБЎ-суюқ ҳамда ФБЎ-қуруқларнинг кўрсатилган макроэлементларнинг трансформациясига салбий таъсир кўрсатиши йўқлиги ҳақида дарак беради ва бунда тезлатувчи ёки секинлатувчи эффектлар кузатилмади. Истисно тариқасида ФБЎ-суюқ қўлланилган вариантдаги фосфатаза ва дегидрогеназа фаоллиги ортиши эса айти ҳақиқатдир. Ўғитларнинг 3 йиллик таъсири мобайнида ферментнинг сезиларли фаоллиги ўғит системаси бўлган НРК - 694 мкМ МУФ (+19%), ва ФБЎ нинг суюқ шакли - 635 мкМ МУФ (+8%) бўлган вариантда кузатилди (5-расм Ф).


Тупроқ учун ФБЎ-қуруқ қўллашнинг характерли жиҳати фосфатазаларнинг 495 мкМ МУФ (яъни 15% га) камайиши айти ҳақиқатлигидадир. Бундай самара тупроқда ФБЎ билан интродуцирланадиган *Bradyrhizobium* оиласига мансуб бактерияларнинг тирик ҳужайраларининг катта сони, шунингдек уларнинг тупроқдаги фосфоритни парчаловчи ҳаёт фаолиятидаги ажралиб чиқадиган кислота маҳсулотлари мавжудлиги билан тушунтирилади. Ўғит билан кириб келган фосфат-ионининг аста-секин диссоциацияланиши ўсимликни бутун вегетация даврида фосфор билан таъминланишига имкон беради, шунингдек тупроқ фосфатазалари билан маҳкамланган фосфатларни парчалаш механизмини “ишга” туширади. Дегидрогеназа фаоллиги ФБЎни 2-4 баргли фазада қўллашдан кейингина юқори кўрсаткичга: ФБЎ-қуруқда – 65 мг ТФФ; БС – 67 мг ТФФ; ФБЎ-суюқ билан максимал қийматида - 163 мг ТФФ (яъни аммофос қўллашдаги вариантга нисбатан 2-5 марта юқори кўрсаткичга эга) эришилди.

Агрокимёвий самарадорлик тупроқ ва ўсимликдаги асосий озуқа компонентларининг ҳамда углероднинг умумий ва ўзлашувчан қийматига, шунингдек экиннинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига бўлган таъсири билан тавсифланди. ФБЎнинг ҳосилдорликка таъсири бир хил эмаслиги аниқланди. ФБЎнинг суюқ шаклини контрол вариант бўлган аммофосга солиштирганда ёғзадан юқори ҳосил олиш (+0,71%) имконини берган бўлса, ФБЎнинг қуруқ

шаклидан фойдаланилганда эса контролга нисбатан ғўза ҳосили (4,25% га) камайди. ФБЎни иқтисодий самарадорлиги аммофосга нисбатан 223,8 минг сўмни ташкил этди. Бироқ ФБЎ-куруқни қўллашдаги самарадорлик эса ўғитнинг нарҳи юқорилиги ва ҳосилдорликнинг камайиши туфайли паст бўлиб, бунда ўғитни тупроқни биологизациялаш ва унумдорликни берувчи элементларни оптималлаштириш сифатида қўллаганда муваффақиятга эришиш мумкин: ФБЎ таъсирида гумусни (1 га ҳисобига 1,476 т ни), умумий азот ва фосфорни (0,072 ва 1,12 т), ўзлашувчан фосфорни (0,11 т) ҳамда осонгидролизланадиган азотни (39 кг) ошиши аниқланди.

Диссертациянинг “Фосфорли органик минерал ўғитларнинг таъсири остида типик бўз тупроқдаги биологик фаоллик” деб номланган тўртинчи бобида объект сифатида фосфорит унини гўнг билан ҳар хил нисбатларда компостлаб (гўнг умумий массасининг 10 ва 20% ини фосфорит уни ташкил этганда) олинган ОМЎ ўрганилди.

Фосфорли органик минерал ўғитлар мураккаб кўп компонентли системани намоён этиб, таркибида азот ва фосфорнинг ноорганик ва органик боғланишларини, шунингдек катта миқдордаги углерод тутган бўлади. Шу боисдан, ҳар хил экологик-трофик гуруҳли тупроқ микроорганизмлари динамикаси, шунингдек, ОМЎ таъсирида ўзгарувчан уюшмалар таркибини ўрганиш ОМЎ билан бирга тупроққа кириб келган озуқа компонентлари трансформацияси тезлигини ҳамда йўналишини баҳолашга имкон беради (5-расм).



5-расм. Фосфатминераллаштиривчи (Ф), олиготрофли (О), аммонификаторлар (А), милолитиклар (АМ), олигонитрофиллар (ОН), денитрификаторлар (ДН) микроорганизмлар сони динамикаси.


Ўғит қўлланилмаган дастлабки тупроқда органик бирикмалар трансформацияси тезлиги ўртача бўлган кам гумусли бўз тупроққа характерли микроблар туркумлари кузатилди, аксинча минерал ўғитларни ва ОМЎларни қўлланилишига кўрсатилган микроорганизмлар сони кескин ўзгаришига олиб

келиши кузатилди. Шундай қилиб, аммофос таъсиридаги кўп ўрганилган микроорганизмлар сони вегетация даврида синусосидал кўринишнинг максимал гуллаш фазасида ўзгарди (олиготрофлар ва денитрификаторлардан ташқари).

Таъкидлаш жоизки, ОМЎ-20 ни қўллаганда ўғит ўзининг секин таъсир этувчан хоссасини яққол намоён қилади: уни қўллаш пайтида микроорганизмлар сонининг ҳам ОМЎ-10 вариантга, ҳам аммофосга нисбатан ҳақли камайиши кузатилди: олиготрофлар (2,7-3,6 марта), аммонификаторлар (1,6-2,4 марта), амилolitikлар (1,7-5,4 марта), олигонитрофиллар (1,1-4,5 марта) ва денитрифицирловчилар микроорганизмлар (2,4-24 марта).

ОМЎ-10 бутун вегетация даврида ўрганилган гуруҳ микроорганизмларининг сони ошишини таъминлаб, (фосфатмобилизаторлар ва денитрификаторлардан ташқари) бу микроорганизмлар сонининг гўнг ва ОМЎ таркибидаги углерод ва фосфорли бирикмаларнинг миқдори ва ўзлашувчанлиги, шунингдек C:N ва C:P нисбатларга боғлиқлигини тасдиқлайди.

Омўнинг таъсири остидаги микроб комплекси структурасининг таҳлили ўғит қўлланилмаган дастлабки тупроқда аммонификаторлар, денитрификаторлар, фосфатмобилизаторлар (5% атрофида) нинг катта бўлмаган улушда ва содоминантлар – олиготрофлар (17,0%) билан бўлган амилolitikлар ва олигонитрофиллар (мос равишда 42,8 ва 38,4%) ни доминантлаш учун шароит бўлгани аниқланди (6-расм).




6-расм. ОМЎ таъсири остидаги микроб туркумлари таркиби.


Минерал ва органоминерал ўғитларни қўллаш микроб комплекслари структурасининг ўзгаришига олиб келди. ОМЎ-10 таъсири остидаги микроорганизмларнинг умумий сон қиймати ОМЎ-20 га нисбатан 2-3 марта юқоридир, бироқ доминантлар ва субдоминантлар улуши иккита вариант учун жуда яқин бўлиб чиқди. Тадқиқотлар асосида ОМЎ-10 ва ОМЎ-20 вариантлардаги (аммофос варианты билан солиштирганда 4-5 марта катта) денитрификаторлар ва нитрификаторлар миқдори ва улуши камайиши аниқланди ва бу минерал ва органик азотнинг бутун вегетация даврида йўқотилиши камайганлиги ҳақида дарак беради.

Шунингдек гўнг таъсирида микроб комплекслар таркиби ўзгариши яққол, айниқса ўсимликнинг эрта ривожланиш даврида намоён бўлиб, бу вақтда фосфатмобилизаторларнинг бир неча бор кўпайишига, уларнинг улуши микроб туркумлари таркибида 58% га етиб, бунда олиготрофлар ва олигонитрофиллар улуши сезиларли камайишига олиб келди, бу ўз навбатида ўзлашувчан углеродли бирикмалар мавжудлиги билан изоҳланади. Аксинча, аммофосни қўллаш олиготрофларнинг сони ва улушини ортиши 2-4 барглар чиқиш фазасига (34,7% гача), амилolitik микроорганизмлар улуши ва сони 3 мартага камайиши пайтига тўғри келиши C:N-нисбат дисбаланси ҳақида дарак беради. Шуниси муҳимки, гуллаш фазасида мураккаб (қийин ўзлашувчан) органик моддаларнинг деструкцияси актиномицетлар миқдори ва улуши ошиши ҳисобига кўпаяди, етилиш фазасига келиб эса, ўсимликлар томонидан ўзлашмаган ҳамда йўқотилган органик ва минерал азотнинг ортиқча миқдори сабаб аммонификаторлар (14,9%) ва денитрификаторлар (46,4%) кўпайиши ҳисобига уюшмалар структураси кескин ўзгаради.

Тадқиқот натижалари ОМУларнинг қўлланилиши пайтида органик углерод ($C_{орг}$) қиймати сезилмас даражада ортанлигини (атиғи 1,7%) кўрсатди (7, 8-расм).



7-расм. ОМУ таъсири остидаги $C_{орг}$ нинг заҳиралари ва нисбатлари




8-расм. ОМУ таъсири остидаги микробиом фаоллигининг кўрсаткичлари

Микроб биомассасида $C_{МБ}$ маҳкамланиб қолган ва сувда эрувчан $C_{СЭ}$ углерод миқдори ортди: ОМУ-10 вариантыда $C_{МБ}$ 38% га; $C_{СЭ}$ - 33% га ортиши, ОМУ-20 да эса $C_{МБ}$ нинг агити 51% га кўпайиши, $C_{СЭ}$, аксинча, 10%га камайиши кузатилди. Гўнг қўлланилган вариант эса углероднинг ҳар хил заҳиралари даражаси бўйича минерал ва органик минерал ўғитларнинг оралик ҳолатини эгаллади: $C_{МБ}$ ва $C_{СЭ}$ ларнинг дастлабки тупроққа нисбатан (6,2 ва 9,4% га), айниқса, аммофос варианты билан (40,0 ва 30,6% га) ортиши аниқланган ва айни пайтда : $C_{МБ}$ миқдори ОМУ вариантларга нисбатан камлиги (21-23% га) тўғри бўлиб чиқди. Интеграл метаболик коэффициент катталиги qCO_2 – микроорганизмларнинг солиштирма нафас олиш даражасининг

